

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати
Миср Араб Республикаси Ҳукумати
ўртасида ҳаво транспорти тўғрисида

Б И Т И М

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Миср Араб Республикаси Ҳукумати, бундан кейин "Ахдлашувчи Томонлар" деб аталувчилар,

Чикаго шаҳрида 1944 йилнинг 7 декабрида имзолашга очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияни тан олган ҳолда,

ҳар иккала давлат ҳудудлари ўртасида ҳаво йўли билан боғланиш-ни ташкил этиш учун ушбу Битимни тузиш мақсадида,

қуйидагилар тўғрисида ахдлашиб олдилар:

1-модда

1. Ушбу Битим мақсадлари учун фойдаланадиган атамаларнинг маъноси қуйидагича:

а) "авиация маъмурлари" - Ўзбекистон Республикасига нисбатан - Фуқаро авиацияси Бош Директори ёки ҳозирги вақтда у бажараётган ишларни амалга оширишга вакил қилинган ҳар қандай шахс ёки ташкилот, ва Миср Араб Республикасига нисбатан - Фуқаро авиацияси вазири, Миср фуқаро авиацияси ташкилотининг раиси ҳамда ҳозирги вақтда шу ташкилот томонидан бажарилаётган вазифаларни бажаришга тайинланган шахс ёки ташкилот;

б) "тайинланган авиация корхонаси ёки корхоналар" - ушбу Битимнинг 4-моддасига мувофиқ тайинланган ва вакил қилинган авиация корхонаси(лар);

с) "ҳудуд" давлатга нисбатан - мазкур давлат таркибидаги ерлар ва ички сувлар ҳамда осмон бўшлиғи;

д) "Конвенция" - Чикаго шаҳрида 1944 йилнинг 7-декабрида имзоланган очилган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенция, шунингдек Ахдлашувчи Томонларга татбиқ этиш мақсадида ушбу Конвенциянинг 90-моддасига биноан қабул қилинган ҳар қандай илова ва ўзгартиришлар, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикаси томонидан имзоланган ушбу Конвенциянинг 94-моддасига биноан қабул қилинган Конвенцияга ўзгартиришлар;

е) "ҳаво қатнови", "ҳалқаро ҳаво қатнови", "авиация корхонаси" ва "нотижорий мақсадларда тўхташ" - Конвенциянинг 96-моддасида кўрсатилгандек ўз маъноларига эга;

ф) "келишилган қатновлар" - ушбу Битимнинг Иловасида кўрсатилган маршрутлар бўйича келишиб олинган қатнов ҳажмига биноан доимий равишда ҳаво орқали йўловчилар ва юк ташувлари;

г) "барча турдаги юкларни ҳаво орқали ташиш" - йўловчиларни ташиш ман этилган ҳаво кемасида алоҳида ёки қўшма ҳолда юклар ва почталарни (кузатувчи билан) халқаро ҳаво ташувлари;

ҳ) "тайинланган авиация корхонаси" - ушбу Битимнинг 2-моддасига ("Тайинлаш") ва 4-моддасига ("Ҳуқуқлар бериш") мувофиқ тайинланган ва ваколатланган авиация корхонаси(лари);

1) "келишиб олинган маршрут" - ушбу Битимнинг Иловасида кўрсатилган маршрут;

2) "тарифлар" - почталарни ташиш учун воситачилик ҳақи ва тўловидан ташқари тайинланган авиация корхоналари томонидан йўловчи ва юкларни ташиш учун белгиланадиган тўловлар ва шарт-шароитлар.

2. Ушбу Битимнинг Иловаси унинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

2-модда

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга, ушбу Битимнинг Иловасида кўрсатилган маршрутлар бўйича ҳалқаро ҳаво йўллари (бундан кейин "келишиб олинган ҳаво қатнови" ва "келишиб олинган ҳаво йўллари" деб аталувчи) белгилаш мақсадида ушбу Битимда кўзда тутилган ҳуқуқларни беради.

3-модда

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси(лари) келишиб олинган юк ташувларини белгиланган маршрутларда бажараётган қуйидаги каби ҳуқуқлардан фойдаланади:

а) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудуди устидан қўнмасдан учиб ўтиш;
б) ушбу Битимнинг Иловасида кўрсатилган бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудидаги пунктларида тижорат мақсадларисиз қўнишни амалга ошириш;

с) ушбу Битимнинг Иловасида кўрсатилган бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги шу маршрут учун келишиб олинган пунктларда йўловчиларни, юк ва почтани олиш ёки тушириш учун қўнишни амалга ошириш.

2. Ушбу Модданинг 1-пунктида ҳеч нима Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонасига бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудидаги пунктлар ўртасида мукофот (пул) учун ёки ёлланиш йўли билан бортга йўловчилар ва юк олишга ҳуқуқ беради деб ҳисобланмайди.

3. Тайинланган маршрутларнинг пунктларида Аҳдлашувчи Томонлар келишилган ҳаво йўлларида, аэропортлардан ва бошқа ускуналардан фойдаланишда ҳар бир тайинланган авиакорхоналар бир хил ҳуқуқларга эга бўладилар.

4. Келишиб олинган маршрутларда ҳаво кемаларини эксплуатациясига, йўловчилар, юк ва почтани ташиниш оид барча техник ва тижорат масалалари, шунингдек тижорат соҳасида ҳамкорлик масалалари, хусусан жадвалга биноан ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, молиявий ҳисобларни амалга ошириш каби масалалар Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналари ўртасида келишув йўли билан ҳал қилиниши ва Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъмуриятларига тасдиқлатиш учун тақдим қилиниши лозим.

4-модда

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонга тайинланган маршрутлардан фойдаланиш учун авиакорхона тайинланганлиги тўғрисида ёзма равишда хабар бериш ҳуқуқига эга.

2. Бошқа Аҳдлашувчи Томон бундай хабарномани олгандан сўнг ушбу Модданинг 3 ва 4 пунктларига мувофиқ ҳолда дарҳол ҳар бир тайинланган авиакорхона(лар)га парвоз учун рухсатни тақдим этиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томоннинг авиацион маъмурияти парвозга рухсатни бергунча қадар бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонадан халқаро ҳаво йўлларида фойдаланиш учун одатда қўлланиладиган қонун ва инструкциялар шартларини бажара олишига исбот талаб қилиши мумкин.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ушбу Модданинг 2-пунктига биноан парвозни бажариш учун рухсатни беришни рад қилишга ёки тайинланган авиакорхона томонидан 3-моддада кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланилган вақтда ўзи лозим деб билган шартларни қачонки эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Томон эгаликка имтиёзлари ва авиакорхона(лар) устидан ҳақиқий назорат шу авиакорхона(лар)ни тайинланган Аҳдлашувчи Томонга, унинг органлари ёки фуқароларига қарашли эканлигини исботлай олмаган ҳолда талаб қилишга ҳаққи бор.

5. Рухсатни олган тайинланган авиакорхона келишиб олинган йўналишларни ушбу Битимнинг 10-моддасига мувофиқ тарифлар амалга оширилганлиги шарти билан эксплуатация қилишни бошлаши мумкин.

5-модда

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон парвозларни бажариш учун бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинлаган авиакорхона(лар)га берилган рухсатни бекор қилиши ёки қуйидаги Битимнинг 3-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланишни вақтинчалик тўхтатиб қўйиши ёки шу ҳуқуқлардан фойдаланилган вақтда ўзи лозим деб билган шартларни:

а) агар шу авиакорхона(лар) устидан имтиёзли эгалик ёки ҳақиқий назорат шу авиакорхона(лар) ни тайинлаган Аҳдлашувчи Томонга ёки унинг фуқароларига қарашли эканлигига ишонмаса, ёки

б) агар ушбу авиакорхона(лар) шу ҳуқуқларни берувчи Аҳдлашувчи Томоннинг қонун ва қоидаларига риоя қилмаса; ёки

с) агар авиакорхона(лар) бошқа бирор тарзда шу Битимда кўрсатилган шартларга риоя қилмаса, талаб қилишга ҳаққи бор.

2. Агар рухсатни бекор, ҳуқуқларни тўхтатиб қўйиш ёки ушбу Модданинг 1-пунктида кўрсатилган шартларни бажариш дарҳолликни талаб қилмаса, у ҳолда бу пунктда айтиб ўтилган ҳуқуқ фақат Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида маслаҳатлар ўтказилгандан сўнг қўлланилади. Бундай маслаҳатлар талаб қилинган вақтдан бошлаб олтмиш (60) кун мобайнида ўтказилиши лозим.

6-модда

1. Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида халқаро парвозларни бажараётган ҳаво кемаларини учиб келишини ва кетишини, унинг эксплуатациясини ёки ҳаво кемаларни шу ҳудуд ичида бўлган вақтдаги навигациясини бошқарувчи қонун ва қоидалар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси(лари) учун ҳам қўлланилади.

2. Аҳдлашувчи Томоннинг йўловчилари, экипажлари, юк ва ҳаво кемаларининг учиб келиши, туриши ва жўнаб кетишига (шу жумладан учиб кетиш учун бождан озод қилинишга, авиацион хавфсизликка, иммиграцион, паспорт, божхона, санитария қонун ва қоидаларига, шунингдек почтани ташишга оид қонун ва қоидалар) оид қонун ва қоидалари бошқа Аҳдлашувчи Томонни тайинланган авиакорхонасининг йўловчилари, экипажлари, юклари ва ҳаво кемаларига нисбатан улар биринчи Аҳдлашувчи Томон ҳудудига бўлган вақтда қўлланилади. Бундай қонун ва қоидалар иккала Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан ҳамма мамлакатларнинг йўловчилари, экипажлари, юк ва ҳаво кемаларига нисбатан бир хил даражада қўлланилади.

7-модда

1. Аэропортдан, унинг иншоатлари, техник ва бошқа воситалари ва хизматларидан фойдаланганлиги учун олинадиган йиғим шу каби парвозларни бажарадиган ҳаво кемаларидан бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхона(лар)дан олинадиган шу сингари йиғимлар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонасидан олинадиган йиғимларидан юқори бўлмаслиги керак.

2. Аэропортдан, унинг иншоатлари, техник ва бошқа воситалари, ва хизматларидан фойдаланганлиги учун олинадиган йиғим ва бошқа тўловлар, шунингдек авианавигацион воситаларидан, алоқа воситалари ва хизматлари учун олинадиган ҳар хил тўловлар Аҳдлашувчи Томонлар тайинланган тарифларга биноан олиниши лозим.

8-модда

Аҳдлашувчи Томон худудидан тўғри транзит билан ўтувчи йўловчилар, багаж ва юк, шу мақсад учун ажратилган аэропорт минтақасидан ташқарига чиқмаса, у ҳолда улар соддалаштирилган назоратдан ўтади. Тўғри транзит билан ўтувчи йўловчилар, багаж ва юкка божхона солиқлари ва бошқа хил солиқлар солинмайди.

9-модда

1. Аҳдлашувчи Томонларнинг тайинланган авиакорхоналарига тегишли ҳудудлар ўртасида тайинланган маршрутлардаги келишиб олинган йўналишлар эксплуатацияси учун тақдим этилган шартлар тенг ва одилона бўлади.

2. Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхона(лар) келишиб олинган йўналишларни эксплуатацияси вақтида бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхоналар манфаатларини унга шу ҳавойўналишнинг бир қисми ёки бутун маршрутида бажараётган ташувларга зарар етказмаслик учун инobatга олиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг келишиб олинган йўналишларда хизмат кўрсатувчи тайинланган авиакорхонасининг белгиланган маршрутларда юк ташиши ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ бўлиши лозим, ҳар бир авиакорхона биринчи навбатда шундай ҳажмни тавсия қилиши керакки, унга мантиққа мувофиқ коэффициентга биноан юк ортилган вақтда йўловчиларни, юкни ва почтани уларнинг тегишли ҳудудлари ўртасида мантиққа мувофиқ ҳолда ва қўлланилаётган эҳтиёжларга жавоб беришин.

4. Тайинланган авиакорхоналари томонидан ушбу Битимга мувофиқ бажариладиган ҳаво йўллари орқали ташувлар тақдим этиладиган ҳажмларда мувофиқ бўлиши лозим:

а) жўнаш ва қўниш мамлакатлари ўртасидаги ташувларга бўлган эҳтиёж;

б) келишиб олинган йўналишлари ўтадиган минтақаларда шу ташувларга бўлган эҳтиёж;

с) транзит ташувларга бўлган эҳтиёж.

5. Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъмуриятлари ҳажмлар такрорланиши ва ҳаво кемаларининг турлари борасида ўзаро келишиб олишлари лозим.

10-модда

1. Авиакорхона(лар)нинг ҳар қандай келишиб олинган йўналишларда тарифлар барча тегишли омилларни, жумладан эксплуатация харажатларини, мантиққа мувофиқ фойдани, ҳавойўналишни тавсифномасини (масалан тезлик ва қулайлик) ва бошқа авиакорхона белгиланган маршрутнинг ҳар қандай қисми учун белгиланган тарифларни инобатга олган ҳолда мантиққа мувофиқ даражада тайинланиши мумкин. Ушбу тарифлар шу Модданинг қуйида кўрсатилган шартларга мувофиқ тайинланиши лозим.

2. Ушбу Модданинг 1-пунктида кўрсатилган тарифлар, шунингдек тарифлардан олинадиган воситачилик ҳаққи миқдори белгиланган ҳар бир маршрут бўйича имконият бориша шу маршрут бўлган ёки унинг бир қисмини эксплуатация қилувчи манфаатдор бўлган тайинланган авиакорхоналар ўртасида ўзаро маслаҳат орқали келишиб олиниши лозим. Ушбу тарифлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъмурлари розилиғи асосида келишиб олинадилар.

3. Агар тайинланган авиакорхоналар ушбу тарифлардан бирортаси юзасидан келиша олмасалар ёки бошқа бирор сабабга кўра тариф шу Модданинг 2-пунктига биноан мослаштириб олинмаса Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъмуриятлари ўзаро келишган ҳолда тарифни тайинлашга уриниб кўришлари лозим.

4. Агар авиацион маъмуриятлар ушбу Модданинг 2-пунктида тавсия этилган, ёки ушбу Модданинг 3-пунктига биноан бирорта тарифни тасдиқлаш мақсадида ўзаро келиша олмасалар, бу келишмовчилик ушбу Битимнинг 16-моддасига биноан ҳал қилиниши лозим.

5. Тарифлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъмуриятлари томонидан тасдиқланганча амалга киритилмайди.

6. Ушбу Модданинг низомлари биноан тайинланган тарифлар, шу Модданинг шартларига биноан янги тарифлар тайинланмагунга қадар қучда бўлади.

11-модда

1. Келишиб олинган йўналишларда Аҳдлашувчи Томоннинг авиакорхонаси томонидан эксплуатация қилинадиган ҳаво кемалари, шунингдек шу кеманинг борти ичидаги табелга оид мулки, ёқилғи запаслари (шумумладан озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари) бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудига келган вақтда ва токи қайтиб кетгунга қадар, ушбу мулк, материаллар ва запаслар шу ҳаво кемаси бортида қолиши шарти билан барча божхона йиғимлари ва бошқа солиқлар ва йиғимлардан озод қилинади.

2. Шунингдек кўрсатилган хизмат учун олинадиган йиғимлардан ташқари қуйидаги солиқ ва йиғимлардан озод қилинадилар:

а) Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудида, эслатиб ўтилган Аҳдлашувчи Томоннинг маъмурияти билан белгиланган лимитлар чегарасида ва бошқа Аҳдлашувчи Томон тайинланган авиакорхонаси келишиб олинган йўналишларда эксплуатация қилинадиган ҳаво кемаси бортида фойдаланиш учун олинган борт запаслари;

б) Аҳдлашувчи Томон ҳудудига бошқа Аҳдлашувчи Томон эксплуатация қиладиган келишилган йўналишларда ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш ёки ремонти учун келтирилган эҳтиёт қисмлар;

с) Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси келишилган йўналишларда эксплуатация қиладиган ҳаво кемасида ишлатиш учун мўлжалланган ёқилғи ва мойлаш материаллари, ҳатто шу запаслар бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудуди чегараси ичидаги маршрут қисмида, бортга олинган жойда ишлатилган тақдирда ҳам.

3. 2-пунктида қайд қилиб ўтилган материаллар божхона текширув ёки назоратидан ўтишдан талаб қилиниши мумкин.

4. Ҳаво кемаларнинг жиҳозлар, шу шумладан ҳаво кеманинг учиш фаолиятини таъминлайдиган материаллар Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига фақат Аҳдлашувчи Томонларнинг божхона маъмуриятларининг рухсати билан келтирилиши мумкин. Шундай ҳолатларида улар эслаб ўтилган маъмурлар назоратида божхона қоидаларга мувофиқ реэкспорт ёки бошқа ҳаракат қилиниши мумкин.

12-модда

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхона(лар)га харажатлардан ортиган даромад маблағини монесиз амалда бўлган битимлар асосида ўтказишга ҳуқуқ беради.

2. Бунда маблағ ўтказиш Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солувчи ўзаро келишув низомларига биноан амалга оширилиши лозим. Агарда бундай тартиб Битимда кўрсатилмаган бўлса, маблағ ўтказиш Аҳдлашувчи Томонларнинг валюта алмаштириш қоидаларига биноан расмий курс бўйича эркин алмаштирадиган валютада амалга оширилади.

13-модда

1. Аҳдлашувчи Томоннинг тайинланган авиакорхонаси(лар)га келишиб олинган йўналишни эксплуатация қилишни таъминлаши учун бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг ҳудудига, Аҳдлашувчи Томонларнинг иммиграция қонунлар, қоидалар ва тажриба асосида зарур бўлган маъмурий, тижорий ва техник хизмат ишларига эга бўлган ваколатхоналар очиш ҳуқуқи берилади.

2. Маъмурий ва техник хизматлар учун тайинланган авиакорхона ўз истагига биноан ўзининг идора ходимларидан ёки бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида иш олиб бораётган ва шу ҳудудда хизмат кўрсатишга ваколати бўлган бошқа ҳар қандай ташкилот, компания, ёки авиакорхона(лар) хизматларидан фойдаланиши мумкин.

3. Маъмурий ва техник хизматчилар бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳудудида амалда қўлланилаётган қонун ва қоидаларига бўйсиниш лозим ва шу қонун ва қоидаларига мувофиқ ҳолда ушбу Модданинг 1-пунктига; биноан идора ходимларини ишга олишга рухсатни, виза беришни ва шу каби ишларни дарҳол амалга оширишлари лозим.

4. Тайинланган авиакорхона(лари) ўз мамлакати фуқароларининг ваколатхонадаги сони Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъмуриятлари ўртасида келишиб олиниши керак.

14-модда

1. Халқаро ҳуқуқларидан келиб чиқувчи ҳуқуқлари ва мажбуриятларига биноан Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига нисбатан фуқаро авиацияси хавфсизлигини ғайриқонуний мудохала актларидан ҳимоя қилиш, ушбу битимнинг ажралмас қисми эканлигини тасдиқлайдилар. Халқаро ҳуқуқ борасидаги ўз ҳуқуқларини қўлланишини чекламаган ҳолда, Аҳдлашувчи Томонлар ҳаво кемалари бортида қилинадиган жиноятлар ва бошқа баъзи бир актларга оид 14 сентябрь 1963 й. Токиода имзоланган Конвенция низомларига, 16 декабрт 1970 й. Гаагада имзоланган ҳаво кемаларини ғайриқонуний босиб олиш билан курашиш Конвенциясига, 23 сентябрь 1971 й. Монреалда имзоланган фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриқонуний актлар билан курашиш Конвенциясига, ва 28 февраль 1988 й. Монреалда имзоланган халқаро аэропортлардаги ғайриқонуний зўравонлик актлари билан курашиш Протоколига мувофиқ ҳолда ва амалда қўлланилаётган Аҳдлашувчи Томонлар ўртасида битимларнинг низомларига, шунингдек келгусида улар ўртасида тузиладиган битимларга биноан иш тутилади.

2. Аҳдлашувчи Томонлар ҳаво кемалари, уларнинг йўловчилари ва экипажлари, аэропортлари ва аэронавигацион воситалари хавфсизлигига қарши қаратилган, шунингдек фуқаро авиациясига қарши ҳар қандай бошқа таҳдидни олдини олиш учун қилинган мурожатга зарур бўлган барча ёрдамни кўрсатадилар.

3. Аҳдлашувчи Томонлар Халқаро Фуқаро Авиацияси Ташкилоти ташкилланган ва Халқаро Фуқаро Авиацияси Конвенциясининг иловалари билан кўзда тутилган авиацион хавфсизлик ва техник талабларга оид, Аҳдлашувчи Томонларга нисбатан ушбу низом ва талаблар қўлланилиши мумкин бўлган даражада иш тутати, улар ҳаво кемалари регистрацияси эксплуатантлари ҳудудларида фаолият кўрсатувчи, ёки у ерда доимий равишда жойлашган ҳаво кемалари эксплуатантлари ва халқаро аэропортлар эксплуатантлари ҳудудидаги шу авиацион хавфсизлик низомлари ва талабларига мувофиқ иш олиб боришларини талаб қиладилар.

4. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон ҳаво кemasининг шундай эксплуатантларидан ушбу Модданинг 3-пунктида эслатиб ўтилган, бошқа Аҳдлашувчи Томон ўз ҳудуди чегараларида кириш, чиқиш ва туриш учун назарда тутган авиацион хавфсизликка оид низом ва талабларга риоя қилишни талаб қилишни мумкинлигига розилик берадилар.

Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз чегарасида ҳаво кемаларни йўловчиларни чиқаришга қадар ёки чиқариш вақтида ва юк ортиш вақтида йўловчиларни, экипажни, қўл юкини, бағажни, юкни ва борт запасларини ҳимояси учун керакли бўлган чораларни таъминлаб беради. Аҳдлашувчи Томонларнинг ҳар бири бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг муайян таҳдидга оид бўлган махсус хавфсизлик чоралари кўриш тўғрисидаги ҳар қандай мурожатни хайрихоҳлик билан кўриб чиқади.

5. Фуқаро ҳаво кемасини босиб олиш хавфи туғилган ҳолда ёки ҳаво кемасига, унинг йўловчилари ва экипажига, аэропортларга ва навигация билан таъминлаш воситаларига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа гайриқонуний иш бўлганда, унинг хавфини тезликча ва хавфсизликни таъминланган ҳолда бартараф этиш учун Аҳдлашувчи Томонлар бир-бирларига алоқа боғлашни енгиллаштириш ва тегишли чораларини кўриш орқали ёрдам кўрсатадилар.

15-модда

Ушбу Битим таалуқли бўлган яқин ҳамкорликни таъминлашга алоқали барча масалалар юзасидан Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъмуриятлари ўртасида вақти-вақти билан маслаҳатлар ўтказилиб турилади.

16-модда

Қуйидаги Битимни ёки унинг Иловасини қўллаш ёки талқин қилишга оид ҳар қандай келишмовчиликлар тўғридан тўғри авиация маъмурий органлари ўртасида музокаралар ўтказиш билан ҳал қилинади. Агар мазкур маъмуриятлар келишувга етиша олмасалар, келишмовчиликлар дипломатик йўллари орқали ҳал қилинади.

17-модда

Агар Аҳдлашувчи Томонлардан бири ушбу Битимга ёки унинг Иловаларига ўзгартириш киритишни таклиф этса, Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъуриятлари ўртасида шу мўлжалланган ўзгариш юзасидан маслаҳатлар олиб борилади. Маслаҳатлар мурожат қилинган кундан бошлаб олтиинч (60) кун давомида бошланиши лозим, агарда Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъуриятлари шу муддатни чўзишга келишиб олинган тақдирда. Ушбу Битимга оид ҳар қандай ўзгартириш дипломатик йўллар орқали ноталар билан алмашинувдан сўнг кучга киради. Иловалардаги ўзгаришлар Аҳдлашувчи Томонларнинг авиацион маъуриятлари ўртасидаги келишувга мувофиқ киритилиши мумкин.

18-модда

Ушбу Битим ва унга тегишли тўлдиришлар Халқаро Фуқаро Авиация-
си Ташкилоти томонидан руйхатга олинishi зарур.

19-модда

Ҳар қайси Аҳдлашувчи Томон ушбу битимнинг кучга кирган кундан ҳоҳлаган вақтда бошқа Аҳдлашувчи Томонга унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ўз ниятини дипломатик йўллар орқали ёзма равишда билдириши мумкин. Ҳудди шундай ёзма билдириш шу вақтни ўзида Халқаро Фуқаро Авиация Ташкилоти (ХФАТ)га ҳам берилиши керак. Бундай ёзма билдириш юборилгандан ва бошқа Аҳдлашувчи Томон уни олгандан сўнг, агарда ёзма билдириш кўрсатилган муддат тугунга қадар Аҳдлашувчи Томонлар хоҳиши билан қайтарилмаган бўлса, қуйидаги Битим бир йил муддат ўтгач ўз кучини йўқотади.


20-модда

Ушбу Битим имзоланган кундан бошлаб ва ҳар иккала Аҳдлашувчи Томон бир бирига ўз давлатларини қонуний талаблари бажарилганлигини билдиргандан сўнг тўлиқ кучга киради.

Шунинг тасдиқлаш учун Ҳукуматлар томонидан берилган ваколат асосида ушбу Битим имзоланди.

16 декабрь 1992 йил Қоҳира шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, араб ва инглиз тилларида тузилди, ва бунда барча матн бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси
Ҳукумати номидан



Миср Араб Республикаси
Ҳукумати номидан

